

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 85 (8325).

1 май, 1984 йил

СЕШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

ХУШХАБАРЛАР

КОНЧИЛАР РАПОРТИ

● ОЛТИНТОПАН кон бошқармаси коллектив КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чакриқларидан руҳланган ҳолда ишлаб, бугунги улуғ айёми муносиб совғалар билан кутиб олди. Кончилар шу йилнинг тўрт ойлик ишлаб чиқариш пиланини анча ортири билан адо этдилар. Қўшимча ўнларча минг сумлик прохodka ва бурғулаш ишлари амалга оширилди.

Байрамолди социалистик мусобақаси илгорлари коллектив эришган бу ютуқларга салмоқли ҳисса қўшдилар. Айниқса, Р. Бобоев бошчилигидаги бурғуловчилар бригадаси коллектив меҳнатда юқори кўрсаткичга эришди. Шу кунларда июнь ойи ҳисобига ишлаётган бу бригадда меҳнат унумдорлиги тошириқидан 10 процент орти. В. Разумов раҳбарлик қилаётган бригада аъзоларининг меҳнат натижалари ҳам баракали бўлди. Улар шу йилнинг тўрт ойлик бурғулаш ишлари тоширигини 125 процент атрофида бажардилар. Юксак маҳорат, тажриба, илгор иш усулларини қўлланш бу мусобақадор бригадалар коллективлари ютуқларининг омиллари бўлмоқда.

М. МАҲМУДОВ.

БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҒИ БАЖАРИЛДИ

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ
ОХУНБОВЕВ НОМИ
СОВХОЗ ЧОРВАДОРЛАРИ
НИНГ МЕҲНАТ ГАЛАБАСИ

Қўйчиликка иттирослаштирилган бу совхоз меҳнатчилари байрам арафасида катта меҳнат галабасини қўлга киритдилар. Улар беш йилликда кўзда тутилган кўзи олиш пиланини муддатидан илгари бажардилар. 81 минг 281 бош ўрнига амалда 81 минг 353 бош кўзи олинди ва тўла саклаб қолинди.

Совхоз чорвадорлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида ҳам юқори кўрсаткичларга эришдилар. Ҳар юз бош совхоздан 122 тадан кўзи олинди.

Беш йиллик охиригача пиланга қўшимча яна 20 минг бош кўзи олишга аҳд қилинлар.

Ҳозирги пайтда совхозда жун қирқиш жадал бормоқда. Бу соҳадаги беш йиллик пилан галаба байрами кунгача адо этилади. Давлатга 326 тонна жун сотилади.

Совхоз меҳнатчилари беш йиллик бўйича гўшт пиланини шу йилнинг янмида бажаришга сўз бердилар. Беш йиллик охиригача эса давлатга 33 минг 660 центнер гўшт тутилганидан 6700 центнер кўп гўшт сотилади.

Совхоз чорвадорлари ўзaro мусобақани авж олдириб эришилган ютуқларини янада мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар.

Алижон ҲОЛИҚОВ чизган плакат.



УЛУҒ АЙЁМ

Меҳнат, тинчлик, май!

Бу сўзлар бугун бутун прогрессив инсоният тилларида баралла жарангламоқда, қурун замин узра қудратли акс садо берапти. Зеро, ана шу сўзларда яхши ниятли барча кишиларнинг энг азгу орзу-умидлари ифодаланган.

Бугун байрам колонналари узра хил-пирайдиган алвонларда, намоён катнашчилари кўтариб ўтадиган транспарантларда халқ ҳужалигининг барча соҳаларида эришган улкан муваффақиятларининг ўзининг ёрқин ифодасини топади. Совет кишилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорларини изчил амалга ошираётганлиги, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг 1 Май арафасида Москвадаги «Серп и Молот» металлургия заводи коллективин билан учрашувда, айниқса, яққол намоён бўлди. Бу учрашув партия ва халқнинг бузилмас бирлиги — совет кишиларининг КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагида мустаҳкам жишслашганини яна бир бор кўрсатди.

Областимиз меҳнаткашлари ҳам Май байрамини муносиб кутиб олмақдалар. Бу байрам арафасида кўпгина sanoat корхоналари, қурилиш ва транспорт таъкилотлари коллективлари 1984 йил тўрт ойлик пиланини муддатидан олдин адо этганликлари, меҳнат унумдорлигини ошириш, танирхон камайтириш бўйича қўшимча тошириқлар ҳам муваффақиятли бажарилаётганлиги тўғрисида рапорт бердилар.

Пойтахт области индустрияси биринчи кварталнинг ўзида планга қўшимча равишда 6 миллион сумликдан кўпроқ sanoat маҳсулотларини реализация қилди. Бекобод ва Янгийўл шаҳарлари, Калинин, Коммунистик, Тошкент районлари sanoat корхоналари ишчи-хизматчилари пиланини ошириб адо этдилар. Sanoat ходимлари бу муваффақиятларни кўпайтиришга, план тошириқларини ва мажбуриятларини тўла ва ошириб бажаришга катта эҳтиш қарор қилганлар. КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чакриқларидаги давлаткор сўзлар меҳнат коллективларини янги-янги зафарларини эгаллашга сафарбар этмоқда.

— Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришгиз! 1984 йил пиланини ва умуман беш йиллик тошириқларини тўла ва ошириб бажарайлик!

Деҳқонлар меҳнати туфайли баҳор байрамининг файни, гўзаллиги ўзгача. Заҳматкаш деҳқоннинг қадоқ қўллари билан табиат бойлигига бойлик қўшилди, янги, она-Ер унумдорлиги ошди. Шу паллада эндигина бош кўтарайтган янги илҳоллар келгуси мўл ҳосилдан умиддор қилиб туринти. Далада ҳам, боғ-роғларда ҳам, қир-адирларда ҳам — ҳамма ерда иш қизиб, ҳаёт қайнамоқда, халқимиз тинч, яратувчилик ижодий меҳнати билан банд, наваҳор напшидасдан кайфи чоғ.

Пахта етиштиришнинг индустриал технологиясини йилдан-йилга такомиллаштириб бораётган областимиз кишлоқ меҳнаткашлари беш йиллик тўрттинчи йили мўл ва эрткин «оқ олтин» ҳосилига мустаҳкам замин яратдилар. Улар чигит экинни ушшоқлик билан тугаллашди. Байрам арафасида далаларга култиваторлар олиб чиқила бошланди.

Бу йилги Май шодиёнаси республикамиз ҳаётида шонли сана — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақа хар қачонгидан ҳам авж олиб кетган янгида нишонланаяпти. Сержўш диёри-мизнинг барча меҳнаткашлари қаторида областимиз меҳнат аҳли ҳам юбилейни муносиб совғалар билан кутиб олиш мақсадида умумхалқ социалистик мусобақасида актив иштирок этмоқда. 1984 йилда пилла, сабзавот, мева ва узумдан,

картошқадан, дондан рекорд ҳосил олишга, беш йиллик пилларини ана шу шонли санагача бажаришга сўз берган областимизнинг бир гуруҳ моҳир «кумш тола» ижодкорлари, сабзавоткор, боғбон ва соҳибкорлари, галлакорларининг юксак социалистик мажбуриятларини яқиндагина эълон қилинди. Ватанпарварлик тапаббуси билан майдонга чиққан пешқадамларнинг сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Улар байрамни КПСС Марказий Комитетининг қуйдаги Чакриқига амалий иш билан жавоб берган тарзда кутиб олмақдалар:

— Колхозчилар, совхозларнинг ходимлари! Деҳқончиликнинг илмий асосланган системасини актив жорий этингиз!

Дон, техника экинлари ва бошқа кишлоқ ҳўжалиги экинлари етиштиришни кўпайтирингиз!

Кўклагини дала ишлари аниқ ташкил этилсин ва юксак сифатли ўтказилсин!

Минглаб совет ондалари бугунги байрамни янги уй-жойларда ховли тўйлари билан кўшиб нишонлаптилар. Шаҳар ва қишлоқларимизда ҳам янги-янги уй-жой, мактаб ва боғчалар, маданият-маншй, даволаш муассасалари бинолари қурилди. Областимиз бўйича биринчи кварталнинг ўзида 39 миллион 903 минг сумлик асосий фондлар ишга гушрирди. Бу январь-март ойлари пиланда кўзда тутилганидан 68 процент кўп демакдир. Шу даврда 45,8 минг квадрат метрли уй-жойлар, турар-жой — қурилиш кооперативлари маблаглари ҳисобига эса 4919 квадрат метрли 48 та уй фондаланишга тоширилди.

Совет халқи партия ва давлатимизнинг бу ғамхўрликларига фидокорона

меҳнатлари билан жавоб бермоқдалар. Ватанимизни янада гўллатиб-яппатиш, мудофаа қудратини мустаҳкамлашга ҳисса қўишини ўзларининг шон-шароф ишлари, деб билимоқдалар.

Капиталистик давлатлардаги ишчилар, олдий меҳнаткашлар эса социалистик мамлакатларда Конституция билан гарантйаланган, амалда таъминланган меҳнат қилиш, уй-жойли бўлиш, билим олиш, касб-ҳунар эгаллаш, даволаиш, дам олиш ҳуқуқлари учун ҳали ҳам синфий кураш баррикадаларини тарк этмаяптилар. «Эркин дунё» деб макталган энг ривожланган капиталистик мамлакатларда 34 миллион ишсиз жамиятнинг «ортиқча» аъзолари бўлиб қолганликлари, ўнлаб миллион кишилар бошлангага эга эмасликлари, социал адолатсизликнинг пролетариат учун бу курашнинг ҳаётий зарурлигини кўрсатиб туринти.

Прогрессив инсоният, жаҳон халқлари ўз умидларини, азгу орзу-ниятларини уларга йўлчи юлдуздек порлаб турган социализмнинг ҳаётбахш намунаси билан боғлайдилар. Шу тузуви халқлар ўртасида энг адолатли, дўстона муносабатларни қарор топтири, ер юзида мустаҳкам тинчликнинг таъини бўлмоқда. Янги тахрирдаги КПСС Программаси ҳам бизнинг тинчлик ишига астойдил содиқлигини, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бошқа қардош коммунистик, ишчи партиялари билан биргаликда ядро ҳалокатининг олдини олишга иштирокчилигини ифода қилишга нитилаётганлигини ифода қилишга КПСС Марказий Комитетининг бу Программани тайёрловчи комиссиянинг яқинда бўлиб ўтган мажлисида алоҳида таъкидланди.

Совет ҳокимиятининг илк налласидея В. И. Ленин жаҳон келиб 1 Майни биз билан бутун жаҳон байрам қилаётганини айтган эди. Бу байрамнинг нақадар ҳаққонийлигини бутун ер кўрсатиб бажаришга ҳаққонийлик «Меҳнат, Тинчлик, Май!» шiori остида ўтказилган намоёншлар, меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги яна бир қарра ёрқин ифода этди.

— Яшасин 1 Май — меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик кун!

ХАЛҚ ДИЛИДАГИ ГАПЛАР

БАРЧА совет кишилари қатори областимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг Москвадаги «Серп и Молот» металлургия заводи ишчилари билан учрашувда сўзлаган нутқида ўртага ташланган фиғурларини қизинг маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар. Улар партия ва давлатимизнинг меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини ошириш, жаҳонда тинчлик барқарор бўлиш учун қилаётган ғамхўрликларига жавобан янада гайрат-шижоат билан ишлашга аҳд қилмоқдалар.

ЯНГИЧА ИШЛАШ САМАРАЛАРИ

Ўртоқ К. У. Черненко Москвадаги «Серп и Молот» металлургия заводи ишчилари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқида бригада усули омма орасида юзга келганлиги ва халқ социал ижодкорлигининг натижаси эканлигини, у меҳнатчининг шахсий манфаатлари билан коллектив ва жамиятнинг манфаатларини қўшиб имкониятини беришини ўқтирди.

Биз партия ва давлатимиз раҳбари таъкидлаганида бригада формасини янада ривожлантириш, унинг афзалликлари тўлароқ намоён этиш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини янада оширишнинг муҳим омилларидан биридир.

Ф. ФАТХИЕВ,
В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадирли кенгашининг раиси.

ТИНЧЛИК БАРҚАРОР БЎЛСИН

Бундан 39 йил аввал, мана шундай баҳор кунларида шавкатли совет Қуролли Куча-

ри фашистлар Германияни устидан букон галаба қозонган эди. Аммо бу галабага осонликча эришилмади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненко Москва металлургиялари билан учрашувда сўзлаган нутқида таъкидланганидек, мамлакатимиз ўз мустақиллиги учун, жаҳон цивилизациясини фашист вахшиларидан қўтқариб қолиш учун 20 миллион кишини қўрбон берди.

Ватанимизда уруш йилларида жудолан аламининг тортаман оила йўқ деса бўлади. Шунинг учун ҳам совет кишилари тинчликнинг қадрини жуда яхши билдилар. Биз, уруш даҳлатларини ўз қўзимиз билан қўрғин ветеранлар ўртоқ К. У. Черненконинг металлургиялари билан учрашувда сўзлаган нутқида 1941 йилнинг июни тақрирланмаслигини, ҳар қандай агрессор ниқомга йўлқилиш тўғрисидаги гапларини мамнуният билан қарши олдик. Бизнинг тинчликни сақлаб қолини, шига ишончимиз комилдир.

Ш. МАҲМУДОВ,
Калинин районидagi 25-мактаб ўқитувчиси, Улуғ Ватан уруши инавалиди.



